

ЭТНОСПОРТ: КЕЧА ВА БУГУН

Наргиза ИСАҚОВА,

НамДУ Тарих кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация: Бу мақолада кураш спортининг тарихи, бугунги кундаги аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: Кураш, спорт, миллий, фестиваль, меҳнат, халқ ўйинлари, чала, ёнбош, ҳалол.

2021 йилнинг 8 октябрида мамлакатимиз бошкенти – Тошкентда "Ўзбекистонда этносportни ривожлантириш истиқболлари" мавзuida халқаро конференцияси ўтказилган, анжуман доирасида Бутунжаҳон этносport конфедерацияси билан давлатимиз ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Конференция Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда "Миллий PR – маркази" ДУК томонидан ташкил этилган¹.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, сўз айнан миллий спорт турлари ҳақида кетганда, ўзбек халқининг кўп асрлар давомида шаклланган кураш, белбоғли кураш, улоқ-қўпкари, турон, бойқўрғон, камондан отиш, отчилик, ланка, тўптош сингари миллий спорт турларини ёдга оламиз.

Эндиликда, мазкур спорт йўналишлари ривожланиши янги тузилган Ўзбекистон этносport ассоциацияси зиммасига юкланади. Келажакда ўзбек этносport турларини Олимпия ўйинлари рўйхатига киритилиши жаарёнида ассоциацияга катта ишонч билдирилмоқда.

Ўзбекистон Бош вазир ўринбосари – Туризм ва спорт вазири Азиз Абдуҳақимов сўзларига кўра, "Ўзбекистонда бир неча ой давомида устозлар, мутахассислар ва спортчилар билан маслаҳатлашилган ҳолда этносport ассоциацияси ташкил этишга қарор қилинди. Етук мутахассисларимиз республикаимизнинг энг чекка қишлоқларига бориб меҳнат қилишди, улар ҳаммасини тизимга солиб миллий спорт турларига дастурамал бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилган миллий энциклопедия яратишди"².

Шунингдек, тадбир якунида, Бутунжаҳон этносport конфедерацияси раиси Билол Эрдоған ва Бош вазир ўринбосари А. Абдуҳақимов ҳамда янги ташкил этилган этносport уюшмасининг янги раҳбари Ойбек Норинбаев "Халқ ўйинларини ривожлантириш" ва "Федерациялар ўртасида ҳамкорлик" меморандумларига имзо чекдилар.

"Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори қабул қилинди³.

Қайд этилишича, қарор билан Этноспорт турларини 2025 йилгача оммалаштириш ва ривожлантириш дастури ҳамда уни 2022 – 2023 йилларда амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" тасдиқланган. Шунга кўра, 2023 йил 1 мартдан ҳар йили этносport турлари бўйича мусобақалар ўтказилади.

2023 йилдан анъанавий тарзда:

- Тошкент шаҳрида ҳар йили бир маротаба этносport турлари бўйича Uzbekistan Ethno Games республика фестивали;

- Хива шаҳрида ҳар икки йилда бир маротаба Халқаро этносport фестивали ташкил қилинади.

2022/2023- ўқув йилидан Республика эстрада цирк коллежида полвонлик ва дорбозлик санъати йўналишида ўрта бўғин кадрлари тайёрланади. 2023 йилдан ҳар икки йилда бир маротаба полвонлар ва дорбозлар иштирокида "Полвонлар сулоласи" кўрик-танлови ўтказилади⁴.

¹ Спутник ньюс.уз [08.10.2021](https://sputniknews.uz) Ўзбекистонда этносport ассоциацияси ташкил этилди.

² Спутник ньюс.уз [08.10.2021](https://sputniknews.uz) Ўзбекистонда этносport ассоциациясит ашкил этилди.

³ Дарё.уз 27.05.2022. Ўзбекистонда этносport турлари бўйича мусобақалар ўтказилади.

⁴ Дарё.уз 27.05.2022. Ўзбекистонда этносport турлари бўйича мусобақалар ўтказилади.

Соғлом авлодни тарбиялаш буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини куриш деганидир. XX аср ибтидосида юртни озод қўриш орзусида бўлган жадидлар улуғ вакили Абдулла Авлоний шундай ёзганди: “Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидир. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўйиб астарини ювуб овора бўлмоқ кабидурки, ҳар бир вақт кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керакдур...”⁵.

Кураш Ўзбекистон ҳудудида қадимдан кенг тарқалган оммабоп спорт тури ҳисобланган. Кураш ўзининг узоқ ва бой тарихига эга. Ҳаттоки ибтидоий жамиятнинг илк давридаёқ кураш расм бўлганлигини тарихий манбалар ва археологик ёдгорликлар тўла тасдиқлаб турибди.

Машҳур шарқшунос ва археолог С. П. Толстовнинг (1907 – 1976) Хоразмдаги Жонбосқалъда олиб борган археологик тадқиқотларида милoddан аввалги IV асрларда турли уруғ жамоалари ўртасида анъанавий кураш кенг тарқалганлиги аниқланган. Қазмиш вақтида олишув жараёнини тасвир этувчи курашчиларнинг сопол фигуралари ҳам топилган. Олимнинг таъкидлашича, аجدодларимиз ўтмишда турли тантана, сайилларда, айниқса, Наврўз кунларида кураш мусобақалари уюштиришган⁶.

Улуғ ҳаким Абу Али ибн Сино (980 – 1037) “Тиб илми қонуни” асарида жисмоний тарбияни тиббиётга асосланиб тартибга солиш ҳақида ёзган. Буюк табиб ўз асарида икки тур кураш ҳақида маълумот беради. Унинг ёзишича, икки киши курашда бир-бирининг белбоғидан ушлаб ўзига тортиб эса, бири иккинчисининг тўни (яктак)нинг ёқасидан, қўлидан ушлаган ҳолда рақибининг оёқларини чалиб, ўрама ва қайтарма усулларини қўллаб йиқитишга ҳаракат қилган⁷.

Иккинчи хил курашда рақибининг белидан ушлашга рухсат берилган ва полвонлар оёқларини ишлатганлар. Иккинчисида эса полвонлар қаеридан ушлай олса ўша жойидан тортиб ҳаракат қилганлар. Бу икки кураш турини ҳозирги даврдаги кураш хиллари билан қиёсласак миллий курашнинг Фарғонача (белбоғли) ва Бухороча (кураш) усулларига тўғри келади⁸.

Юқоридаги мисоллардан келиб чиқиб миллий кураш турларини минг йиллардан бери мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз.

VIII асрнинг бошларида Қутайба бошчилигида араб истилочилари Мовароуннахрга бостириб кирганида маҳаллий полвонлар босқинчиларга қарши мардонавор курашганлар. Қутайба полвонлар бошига ўн минглаб дирҳамлар тиккан, лекин халқ баҳодирлари ватан учун жанг қилганлар. Босқинчилар ҳатто анъанавий курашни ҳам тақиқлаб қўйган эди⁹.

XI – XII асрларда халқимизнинг жисмоний ва бақувват ва соғлом бўлишида кураш муҳим ўрин эгаллай бошлаган. Одатда, бир неча маҳалла ёки тўп одамлари, бир жойда йиғилишиб, тарафма-тариф бўлиб куч синашганлар. Мусобақани дастлаб ўспиринлар, йигитлар бошлаб беришган ва навбат аста-секин катталарга ўтган¹⁰.

XIV – XV асрлардан бошлаб барча ҳукмдорлар миллий байрамларда кураш мусобақалари уюштирганлар. Машҳур саркарда, шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида миллий курашни аскарлар ичида кенг ривожлантирганлиги ва жисмоний машқларга катта эътибор берганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд¹¹.

XIX асрнинг 60- йилларида Туркистон Россия томонидан босиб олинса-да кураш удумлари унутилмаган. Кураш бўйича мусобақалар ўтказила бошлангач, полвонларнинг ҳаёти бирмунча яхшиланган. Кўпинча полвонлар курашни асосий касб деб ҳисоблашиб, бошқа иш билан шуғулланмаганлар¹².

Фарғонача миллий курашнинг бошқа курашлардан фарқи шуки, бу курашда (усул) фақат белбоғидан ушлаб туриб, уни қўйиб юбормасдан қўлланилади. Бу курашда, фараз қилайлик, қўлларингиз рақиб

⁵ Ўзбек педагогикаси анталогияси. – Т.: «Ўқитувчи», 1999, 2- жилд. – Б. 45.

⁶ Жалилов И. Ўзбек халқи анъанавий байрамлари, сайиллари ва ўйинлари. Қарши.: «Насаф», 2005. – Б. 36–37.

⁷ Жалилов И. Ўзбек халқи анъанавий байрамлари. – Б. 39.

⁸ Жалилов И. Ўзбек халқи анъанавий байрамлари. – Б. 39.

⁹ Жалилов И. Ўзбек халқи анъанавий байрамлари. – Б. 38.

¹⁰ Жалилов И. Ўзбек халқи анъанавий байрамлари. – Б. 38.

¹¹ Жалилов И. Ўзбек халқи анъанавий байрамлари. – Б. 39.

¹² Жалилов И. Ўзбек халқи анъанавий байрамлари. – Б. 39.

белбоғига “боғлаб” қўйилган. Бу белбоғни ечиб юборишнинг иложи йўқ. Сиз ана шу белбоққа боғланган қўллар, оёқлар, елка, бел ёрдамида рақиб елкасини ерга теккизишга ҳаракат қиласиз. Сиз, қачонки, рақиб елкасини ерга теккизганингиздан кейингина белбоғдан қўлингиз озод бўлади. Қадим замонларда ота-боболаримиз мана шундай, қўллари боғланган ҳолда, рақиб елкасини ерга теккизишни ўйлаб топганлар.

Фарғонача миллий (белбоғли) кураш тартибида уч хил ҳаракат бўлиб, буларнинг ҳар бири бир неча усулларга бўлинади.

1. Рақибни босиб туриш орқали бажариладиган усуллар.

2. Рақибни қўтаргандан кейинги ҳаракатлар.

3. Рақибни ирғитиш билан бажариладиган усуллар¹³.

Ҳозирги кунга келиб, Қалмиғистон, Татаристон, Бошқирдистон, Камчатка ярим оролида, Афғонистон, Жанубий Корея, Монголия, Хитой, Япония давлатларида ҳам фарғонача миллий курашга ўхшаш белбоғли кураш мусобақалари ўтказилиб турилибди¹⁴.

Кураш тўйларда ташкил қилинган одатда, оқшом пайтида катта гулхан ёнида курашчилар йиғилганлар. Курашда ҳам ғалаба қозonganларга қимматбаҳо совғалар: чопон, дўппи, этик, белбоғ, пул ва шунга ўхшаш совғалар берилган. Курашда катта баковул тайинланиб, у кураш қоидаларини назорат қилувчи ва совғаларни улашувчи шахс эди. Курашчиларни галма-гал ёшига, кучига қараб чақирилари эди. Курашда биринчи бўлиб 8 – 10 ёшдаги болалар, кейин ўсмирлар, охирида катта ёшдаги паҳлавонлар қатнашар эди. Курашчилар яқин кийиб, белига белбоғ боғлаган. Улардан бири даврага чиқиб, қўлларини кенг ёйиб, даврани айланиб, талаб-талаб деб, бошқа курашчиларни майдонга чақирган. Рақобатчи топилганида даврани 3 марта айланиб, бир бирларининг белбоғларидан ушлаб, курашни бошлашган, шунда, улар бир бирларининг оёқларига илмоқ солишар эди. Дастлаб рақибнинг курагини ерга теккизган – ғалаба қозонар эди. Ўша ерда ўтирганлар “ҳалол!” деб бақиршисагина, рақиб курашчи ютқазган ҳисобланган¹⁵.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида миллий курашни аскарлар ичида кенг ривожлантирганлиги ва жисмоний машқларга катта эътибор берганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд¹⁶.

Туркия дзюдо федерацияси президенти Иброҳим Ўзтек ҳақли равишда “Ўзбек кураши барча курашларнинг отасидир”, деб таъкидлаган бўлса, Европа дзюдо иттифоқи президенти Франц Хугендайк “Бу тур ХХI аср спорти бўлади!”¹⁷ дея башорат қилганди.

Кураш билан шуғулланиш организм барча аъзолари ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиб, фаолиятини такомиллаштиради. Тана вазни меъёрга келади, кўкрак қафаси тўғри шаклланади, ўпканинг тириклик сўғими ортади, юрак қон-томир тизимини жисмоний юкламаларга чидамлилиги яхшиланади¹⁸.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И. Каримов бўлса, мустақилликка эришилган ХХ аср интиҳосида, аниқроғи 1999 йилнинг 1 майида кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг очилиш маросимидаги табрик сўзида таъкидлаганидек: “Ўзбек курашида халқимизнинг руҳиятига, асл хислатларига азал-азалдан хос бўлган фазилатлар: мардлик, жасурлик, бағрикенглик, рақибга нисбатан олижаноблик, ҳалоллик, инсонпарварлик фалсафаси мужассамлашган... Мен ишонаман: дунёга машҳур паҳлавонларнинг бебаҳо хизматлари туфайли халқимиз маънавий турмуш тарзининг

¹³ Азизов Н. Х. Белбоғли Туркистон кураши. – Т.: «Ўқитувчи», 1998. – Б. 13.

¹⁴ Мадрахимов О. Г., Тиллаев Ш. О, Мустақиллик даврида миллий қадриятларимиз итикланиши ва миллий спорт турларини ривожлантириш// Алпомиш халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини ривожлантириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. 13 – 15 октябрь 2000 йил. – Фарғона, 2000. – Б. 84.

¹⁵ Мадрахимов О. Г., Тиллаев Ш. О, Мустақиллик даврида миллий қадриятларимиз итикланиши ва миллий спорт турларини ривожлантириш// Алпомиш халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини ривожлантириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. 13 – 15 октябрь 2000 йил. – Фарғона, 2000. – Б. 175.

¹⁶ Жалилов И. Ўзбек халқи анъанавий байрамлари. – Б. 39.

¹⁷ Мўминов А. Президент, Спорт. Ғалаба – Т.: Шарқ. 2001. – Б. 34.

¹⁸ Mirzakarimov N. Kurash turlari va uni o'qitish metodikasi. Andijon 2020. – Б. 132.

ажралмас қисмига айланган кураш янги ҳаётини бошлайди, янада юксалади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг сеvimли машғулотиға айланади ¹⁹. Ҳаётнинг ўзи Президентнинг ишончини оқлади. Ўзбек кураши жаҳон спорти сахнасида ўзига мос ўринни эгаллаб улгурди. Энди кураш майдонларида ўзбекча “чала”, “тўхта”, “кураш”, “ғирром”, “ёнбош”, “халол” сингари сўзлар баралла янграмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Ўзбек кураши – жаҳон майдонида. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. Т. 7. – Б. 45.
2. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1999, 2- жилд. – Б. 45.
3. Жалилов И. Ўзбек халқи анъанавий байрамлари и – Б. 38, 39.
4. Мўминов А. Президент, Спорт. Ғалаба. – Т.: Шарқ. 2001. – Б. 34.
5. Mirzakarimov H. Kurash turlari va uni o‘qitish metodikasi. Andijon 2020. – Б. 132.
6. Азизов Н. Х. Белбоғли Туркистон кураши. – Т.: “Ўқитувчи”, 1998. – Б. 13.
7. Жалилов И. Ўзбек халқи анъанавий байрамлари, сайиллари ва ўйинлари. Қарши.: “Насаф”, 2005. – Б. 36–37.
8. Мадрахимов О. Г., Тиллаев Ш. О, Мустақиллик даврида миллий қадриятларимизни тикланиши ва миллий спорт турларини ривожлантириш // Алпомиш халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини ривожлантириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. 13-15 октябрь 2000 йил. – Фарғона, 2000. – Б. 84.
9. Sputnik news.uz [08.10.2021](https://sputniknews.uz). Ўзбекистонда этносport ассоциацияси ташкил этилди.
10. Daro.uz 27.05.2022. Ўзбекистонда этносport турлари бўйича мусобақалар ўтказилади.

¹⁹ Каримов И.А. Ўзбек кураши – жаҳон майдонида. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. Т. 7. – Б. 45.